

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-июнда чакана товар айланмаси 4367,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,1 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь- июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	4367,4	113,1	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	1,1	51,1	0,1
нодавлат мулки	4366,3	113,1	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	3320,6	112,9	76,1

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-июнда 235,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 90,6 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-июн ойларида 4132,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,7 фоизга ошган.

2017 йил январь-июнда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	4367,4	113,1	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	235,1	90,6	5,4
якка тартибдаги тадбиркорлик	3478,1	117,5	79,6
уюлмаган сектор(ташқил этилмаган савдофаолияти)	654,2	101,9	15,0

Умумий оврақатланиш соҳасининг товар айланмаси 75,3 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-июнга нисбатан 102,3 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумоврақатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 111,0 фоизга ошди ва 1191,6 минг сўмни ташқил этди (2016 йил январь-июнь ойиларида 961,8 минг сўмни ташқил этган).

2017 йил январь-июнда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 3081,4 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1038,0 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 33,7 фоизини ташқил қилди. 2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш 110,9 фоизни ташқил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-июнида қуйидагича ифодаланади: